2006 ЙИЛ, 1 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 104 (10.661) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлисини 2006 йил 9 июнь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда мамлакатимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори юзасидан фракция аъзолари сўзга чиқишди.

● Бугун Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари — MebelExpo Uzbekistan 2006» учинчи ихтисослаштирилган халқаро кўргазма иш бошлади. Унда мебель саноати ривожланган Германия, Россия, Беларусь, Туркия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқда.

● Италиянинг Турин шаҳрида давом этаётган 37-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси ҳал қилувчи паллага кирди. 9-турда мамлакатимиз эркаклар терма жамоаси Ҳиндистон вакиллари билан 2:2 ҳисобида дуранг натижага эришган бўлса, аёллар терма жамоамиз Перу мамлакати жамоаси устидан 2,5:0,5 ҳисобида зафар қучишди.

● Жиззах политехника институтида Бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмарка қатнашчиларига 150 га яқин иш ўринлари таклиф этилди. Шу куни институтни битирувчи 84 нафар бакалавр, 8 нафар магистр, ишсиз юрган тўққиз нафар собиқ талаба билан иш берувчи ташкилотлар ўртасида ишга жойлашиш тўғрисида меҳнат шартномалари имзоланди.

● «Камолот» ЁИҲ Жиззах вилоят Кенгаши томонидан Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ўртасида «Ҳомийлик — улуғ фазилат» шиори остида моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида самарали тадбирлар амалга оширилди.

● Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Навоий номли 1-ўрта мактабида уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Мактабни бундан 40 йил олдин тугатиб кетган собиқ ўқувчилар нафақадаги устозларига шогирдлик тухфаларини тақдим этдилар.

● Нукус шаҳри марказида «Қорақалпоқфуқароқурилиш» МЧЖ 2- қурилиш бошқармаси бунёдкорлари смета қиймати 4 миллиард сўмликдан ортиқ бўлган улкан спорт мажмуасини бунёд этишмоқда. Ушбу мажмуа энг сўнгги замонавий талабларга жавоб беради, халқаро даражадаги мусобақаларни қабул қилиш имкониятлари мавжуд. Асосий арена 830 томошабинга мўлжалланган бўлиб, кўплаб спорт залларида бир вақтнинг ўзида 500 та спортчи 19 спорт тури бўйича машғулотларда қатнашиши мумкин.

ЖАҲОНДА

●Индонезиянинг Ява оролида рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда дунёнинг 20 га яқин мамлакати иштирок этмоқда. Табиий офат рўй берган ҳудудга озиқ-овқат, дори-дармон, ичимлик суви ва вақтинчалик турар жой барпо этиш учун зарурий воситалар етказиб берилмоқда.

● Чили полицияси мамлакат пойтахти Сантьяго кўчаларига таълим тизими ислоҳ этилишини талаб қилиб чиққан мактаб ўқувчиларини кўздан ёш оқизувчи газ ва сув пуркагичлар ёрдамида тарқатиб юборди. Намойишчилар эскириб қолган мактаб дастурларини қайта кўриб чиқишни, олий ўқув юртларига ҳужжат топшириш учун белгиланган божнинг бекор қилинишини талаб этишмоқда.

● Сўнгги пайтда Ирокда исёнчиларнинг террорчилик ҳаракатларининг фаоллашиб бораётганлигини ҳисобга олиб Пентагон мамлакатда барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида АҚШнинг Қувайтдаги ҳарбийларини Ироқнинг шимолида жойлашган Акбар музофотига кўчиришини маълум қилди.

● Охирги олти йил ичида хорижда яшаб юрган Daewoo корпорациясининг асосчиси ва собиқ раҳбари Ким Ву Чунг фирибгарлиги учун ўн йил қамоқ жазоси ва 22 миллиард долларлик жарима тўлашга ҳукм қилинди. Судьяларнинг хулосасига кўра Ким Ву Чунг жиноятлари орқали етказилган зарар миқдори 42 миллиард долларни ташкил этади.

● Кеча Ингушетияда Чеченистондан ўтиб келган Шамиль Басаев тўдасига мансуб жангари ва унинг учта шеригига қарши ўтказилган махсус операция муваффақиятли якунланди. Операция давомида учта жангари йўқ қилинди, биттаси қўлга олинди.

● Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида илғор Россия технологияларининг кўргазмаси очилди.

● Зимбабве марказий банки 100000 Зимбабве доллари (0,98 АҚШ доллари) қийматидаги янги банкнотларнинг тақдимотини ўтказди. Банкнотлар муомалага бугундан бошлаб чиқарилди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 2 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●БУГУН «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Сергели туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида байрам тадбири уюштирилди.

●ЎТГАН куни Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида «Болалар—бизнинг келажагимиз» мавзуида ўтказилган тадбир Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бўлимлари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

●ЎТГАН куни Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалла гузарида туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи ҳамкорликларида «Вояга етмаган ёшлар орасида»жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ички ишлар ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, ота-оналар иштирок этишди.

●БУГУН Бектемир туманидаги 289-мактабда «Истиқлол юлдузлари» мавзуида китобхонлар иштирокида ўтказилган тадбир туман марказлашган кутубхоналар тизими ҳамкорлигида уюштирилди.

●БУГУН Учтепа туманидаги «Кўкча Оқтепа» маҳалласи ҳудудида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган «Иқбол» тўйхонасининг очилишига бағишлаб туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган тадбирда кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болалар иштирок этишди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ОЛАМДА БЕҒУБОР, СИРЛИ, АЖИБ БИР САЛТАНАТ БОРКИ УНИНГ ҲАДСИЗ САРҲАДЛАРИГА ЖУМЛАИ ЖАҲОН ЖО БЎЛИБ КЕТАДИ. У ШУНДАЙИН ЁРУҒ, ҲАЙРАТЛИ, ПОК БИР ЁРУҒ ОЛАМКИ, СИЗНИ БЕИХТИЁР ЛОЛ ЭТАДИ.

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



ШОДЛИГИНГ БУТУН ОЛАМНИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИРСИН

Ушбу салтанат боғларидан қанча узоқлашганингиз сари у сизни ўзига чорлайверади, беихтиёр унга қараб талпинасиз, бутун дунё ташвишларига қўл силтаб унинг жаннат боғларида бир умр қолгингиз келади. Бу болалик. «Болалигим — пошшолигим» деган нақл бежизга айтилмаган.

Лекин вақт олий ҳакам. Соғиниб-соғиниб, унутолмай юрганларингиз болаликнинг шўхшодон, беташвиш кунлари сизга энди чиройли хотира бўлиб қолади. Қаршингиздаги юзкўзларида бир олам қувонч порлаб, қувноқ кулгулари билан ҳаммани ўзига қаратаётган шўх болажонга меҳр билан қарайсиз, эртанг бунданда порлоқ бўлсин, дея ният билдирасиз.

Дарҳақиқат, болалар ҳаётимиз мазмуни, шодлигу қувончи, эртанги кунимизнинг ёруғ юлдузлари, келажагимиз давомчиларидир. Уларнинг яйраб-яшнаб, жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири қилиб белгилаб қўйилган.

Жумладан, Мустақиллик йилларида ёш авлод камолоти, таълим-тарбияси йўлида ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар ижроси йўлида қад ростлаётган замонавий, кўркам олий ўқув юртлари, коллеж, лицей, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан олиб борилаётган узлуксиз таълим жараёни ўсиб келаётган ёш авлодни ҳуқуқий саводхон, ҳар томонлама баркамол, ўз юртига муносиб фарзанд бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2002 йилда «Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони эса болажонлар соғлиғини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича кенг кўламдаги ишларни амалга оширишга туртки бўлди, десак асло муболаға эмас. Ушбу Фармон ижроси йўлида наинки пойтахтимизда, балки республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам жаҳон андозалари даражасида замонавий жиҳозланган спорт комплекслари, майдончалари, ўқув мажмуалари қад ростлади. Спортни жон-дилидан севувчи ўсмир-ёшлар ушбу гўшаларда бугун ўзлари севган, хоҳлаган турлари билан шуғулланмоқдалар. Ушбу ғамхўрлик ва эътиборнинг илк натижаларини иқтидорли, истеъдодли ёшларимизнинг энг нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб Ўзбекистон байроғини бутун дунёда ҳилпиратиб, юртимиз шарафини юксакларга кўтарганларида кўриб турибмиз.

Инчунун, соғлом авлодгина буюк ишларга қодир бўлади. Бу йўлда катта-катта хайрли режалар, келажакка ёруғ орзу-умидлар билан қадам қўяётган мустақил Ўзбекистонимиз ёшлари, фарзанду дилбандларимиз, жаннат боғларининг мевалари, жондан азиз бўлган болажонларимизнинг камоли, бахту саодати йўлида қўлни қўлга бериб, ҳамжиҳат, ҳамкорликда иш олиб борайлик, уларнинг таълим-тарбияси, соғлом бўлиб вояга етиши йўлидаги юмушлардан асло чарчамайлик.

Ахир «Ўмр фасллари ичида ҳеч бири болалигу кексалик каби эъзоз, эътибор, меҳр-муҳаббатга муҳтож эмас» деб бекорга айтилмаган. Умримиз давомчилари бўлган зурриётларимизни меҳр булоғи, оқибат қўрғонида авайлаб-асраб вояга етказайликки, кексайганимизда унинг ширин мевалари умримиз дафтарини безасин.

Болажон, болаликнинг ширин дамлари сени асло тарк этмасин, сенинг беғубор, шоду хандон кулгуларинг бутун оламни қувончу шодликка тўлдирсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

30 МАЙ КУНИ МОСКВАДАГИ «ПРЕЗИДЕНТ-ОТЕЛ»ДА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Учрашувни Россия Федерал мажлиси Федерация кенгашининг раиси С.Миронов очар экан, ШҲТ доирасида парламентлараро мулоқотнинг бошланиши ушбу минтақавий ташкилотнинг мустаҳкамланишида яна бир муҳим қадам ҳисобланишини қайд этди. У ШҲТ ўзининг беш йиллик иши давомида ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини, ўзаро ишонч ва дўстликни чуқурлаштиришда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади.

ШҲТ давлатлари парламентларининг мунтазам ва изчил ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурати хусусида сўзлар экан, С.Миронов интеграция жараёнлари учун ўз вақтида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратишга айнан улар даъват этилганини қайд этди.

Россия Давлат думаси раиси Б.Гризлов ўз чиқишида ШҲТ мамлакатлари ҳамкорлигининг асосий йўналиши коллектив хавфсизликни, барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, аксилтеррор тадбирларини биргаликда режалаштириш ва ўтказиш, гуманитар соҳада ҳамкорликни таъминлаш ҳисобланишини қайд этди. Шу муносабат билан ШҲТ парламентлари мазкур ташкилот асосий вазифаларининг ҳал этилишига кўмаклашиш учун ўз ваколатларидан фойдаланиши зарур. «Биз, миллий парламентлар раҳбарлари ва депутатлар коллектив хавфсизлик, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг йирик дастурлари рўёбга чиқарилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга янада фаол кўмаклашишимиз мумкин», деди у.

Умумхитой мажлиси халқ вакиллари Доимий қўмитасининг раиси У Банго бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлиги янги хавф-хатар ва таҳдидларга дуч келаётгани, ШҲТ олдига қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида унинг аъзолари узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишига тўғри келишини қайд этди. У Банго парламентлараро ҳамкорликнинг муҳимлиги ҳақида тўхталар экан, у биргаликда ҳаракат қилишнинг турли кўринишдаги ва қулай шаклларига асосланиши лозимлигини қайд этди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов ўз чиқишида конфессияларо ва цивилизацияларо турли хиллик шароитида ШҲТ давлатлараро ҳамкорликнинг мураккаб вазифаларини ҳал этиш учун кенг имкониятларга эга экани англангани, бу ҳеч шубҳасиз, турли-туман ва айни пайтда руҳан яқин бўлган халқларимиз ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашишини таъкидлади.

Ўзбекистонда ШҲТга мамлакатнинг барқарор тараққиётини, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Э.Халилов ташкилот ишида парламентларнинг иштироки хавфсизлик борасида, гуманитар ва иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш жараёнига янги туртки беришини қайд этди.

Шу куннинг ўзида Кремлда Россия Президенти В.Путин ШҲТ мамлакатлари парламентлари раҳбарларини қабул қилди. Учрашув чоғида Россия Президенти бугунги кунда халқаро майдонда ШҲТга нисбатан рақобат яратишга уринишлар бўлаётганини қайд этди. У бундай шароитда ҳеч қандай мусобақалашишга йўл қўймасдан, балки ўтган йиллар давомида бўлгани сингари биргаликда амалий ишлар билан шуғулланиш тўғри бўлади, деб ҳисоблайди. В.Путиннинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Евроосиё ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликнинг самарали кафили сифатида ривожланиши зарур.

В.Путиннинг ҳисоблашича, ташкилот тамойилларининг аниқ ва равшанлиги, шунингдек, унинг ҳар бир иштирокчиси ўзига хослигини ва суверенитетини ҳурмат қилиш ушбу тузилманинг ташриф қоғозидир. В.Путин Россия Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аҳамияти ва имкониятларини ошириш йўлини давом эттиражагини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, бугун ШҲТ «сиёсий, аксилтеррор ва иқтисодий мазмундаги муҳим вазифаларни ҳал қилмоқда ҳамда биргаликдаги самарали ҳамкорликнинг умумий манфаатдорлигига асосланган тенг ҳуқуқли шериклигининг яхши намунасидир».

Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА Москва

МАМЛАКАТИМИЗДА ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН КИЧИК БИЗНЕС, ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЙИРИК ВА КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ КООПЕРАЦИЯНИ ҲАМДА КАСАНАЧИЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ, ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида тадбиркорликнинг мазкур йўналишларини рағбатлантириш юзасидан аниқ чоралар кўриш, бунда микрокредитлаш ҳамда микролизинг механизмлари ва ҳажмини кенг кўламда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаган эди. Мазкур вазифани амалга оширишнинг механизми ва воситаси сифатида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил қилиниши бунда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 5 майидаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур Фармон ижроси юзасидан шу йилнинг 6 майидаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан микрокредит ва микролизингга оид хизматни амалга оширувчи янги банк ташкил этилди.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси Жамшид САЙФИДДИНОВ билан ЎзА мухбирининг суҳбати ана шу янги молия муассасасининг мақсад ва вазифалари хусусида бўлди.

— Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу банк асосан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратишга, айниқса, қишлоқ жойларида аҳоли кенг табақаларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлаш учун молиявий маблағлар берилишига хизмат қилади, — дейди Ж.Сайфиддинов.— Янги ташкил этилаётган банк олдига бу мақсаднинг қўйилиши бежиз эмас. Чунки бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам салмоқли ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда)

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни







МЕҲР АРДОҒИДАСАН, БОЛАЖОН!

ДУНЁДА БОЛАЖОНЛАР КЎНГЛИГА ҚУВОНЧ УЛАШИШДАН, ЮЗЛАРИДАГИ ТАБАССУМ, ШОДОН ЎЙИН-КУЛГУЛАРИГА ШЕРИК БЎЛИШДАН ОРТИҚ БАХТ БЎЛМАСА КЕРАК. АЙНИҚСА ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ БИЛАН НОГИРОН, БЕТОБ БЎЛИБ ДУНЁГА КЕЛГАН КЎНГЛИ ЎКСИКЛАРНИНГ ТЎРТ МУЧАСИ СОҒ ТЕНГДОШЛАРИ КАБИ ЎЙНАБ-КУЛИШЛАРИ, ДУНЁДА КЕРАКЛИ ИНСОН ЭКАНЛИКЛАРИНИ ҲИС ЭТИШЛАРИГА ҲИССА ҚЎШИШ ЭНГ САВОБЛИ АМАЛЛАРДАН БИРИДИР.

Эзгулик, яхшилик бошида туришни ният қилган Республика фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш «УМР» жамоатчилик маркази Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ажойиб тадбирни ўтказдилар.

Марказ раиси Рустамжон Сафаров ташаббуси билан Ўрта Осиёда ягона бўлган «Тошкентленд» боғига Шайхонтоҳур, Сергели, Зангиота, Ўрта Чирчиқ каби пойтахт ва Тошкент вилоятида яшовчи имконияти чекланган, ногирон болаларнинг саёҳатлари уюштирилди.

Байрам тадбирига «Ўзэкспомарказ» ва «ЎзЛиДеп» Ёшлар қаноти ҳамкорлик қилган бўлса, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бошқармаси каби қатор ташкилотлар беминнат ҳомийлик қилдилар.

Қувноқ куй-қўшиқлар янграб, турли аттракционларда масза қилиб учган болажонларда ушбу байрам унутилмас таассурот қолдирди.

— Айниқса болажонларнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканалининг «Азизим» кўрсатуви муаллифи Умида Усмонова билан дилдан қурган суҳбати уларга бир олам қувонч бағишлаб, ҳаётга муҳаббат уйғотди, — дейди «УМР» жамоатчилик маркази раиси Рустамжон Сафаров. — Биз ўз фаолиятимиз давомида бундай тадбирларни қўплаб ўтказишга, 2006—Ҳомийлар ва шифокорлар йили давлат дастури ижроси йўлида меҳрга муҳтож, кўнгли ўксик болажонларни эътибордан четда қолдирмасликка аҳд қилганмиз.

Яхшилик, инсонийлик каби энг улуғ — савобли юмушлардан ҳеч биримиз четда турмайлик, деб қоламиз.

Азиза МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

В. Портнов олган суратлар.

Саломатлик сирлари

СОҒЛОМ БОЛА — ЭЛ БОЙЛИГИ

СОҒЛОМ БОЛА — ЭЛ БОЙЛИГИ, ОИЛА ТИНЧЛИГИ, ОТА-ОНАНИНГ ХУРСАНДЧИЛИГИ, ХУШВАҚТЛИГИ. ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАЙФИЯТИНИНГ ЧОҒ БЎЛИБ ЮРИШИ, БУ ҲАЁТИМИЗНИНГ ЭНГ МАЗМУНЛИ ЧОҒЛАРИ ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.



Шунинг учун ҳам улуғ аллома Абдурауф Фитрат «Оила» асарида ота-оналарга қарата бундай ёзади: «Иншооллоҳ оқилона тарбиянгиз соясида фарзандингиз соғлом ақл ва соғлом баданга соҳиб бўлиб, яхши камол топиб, етти ёшни тўлдиради. Етти ёшгача болаларни ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш жуда муҳимдир. Бола етти ёшгача жисмонан соғлом ва ақлан ёшига яраша одил бўлса, келгусидаги камолотга ҳам имкониятлар, йўллар очилади».

Фарзандни — ўғилдир, қиздир руҳий баркамол қилиб тарбиялаш осон иш эмас. Аслида жисмоний тарбия у қадар мушкул вазифа эмас, бу худди фарзандни озиқлантириш каби табиий ва зарур ишдир.

Тарбиянинг бу соҳасида табиатнинг ёрдами самарали бўлишини эътиборга олиб, фарзандда жисмоний тарбияга нисбатан муҳаббат ва доимий қизиқишни уйғотмоқ лозим. Албатта, бу ҳамиша осон кечавермайди.

Шуларни эътиборга олган ҳолда қувноқ билан таъкидлаш жоизки, яқинда «Янги аср авлоди» нашриётида жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасининг таниқли мутахассиси, педагогика фанлари доктори, профессор, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Талъат Усмонхўжаевнинг «Соғлом бола — эл бойлиги» китобчаси чоп этилди.

Ушбу рисолада муаллиф ота-оналарга болаларнинг саломатлигини сақлашда жисмоний тарбиянинг роли, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳикоя қилиб, ёш хусусиятлари, кун тартибидаги жисмоний ҳаракатларнинг фойдаси, назорат қилиш, уларни суздириб чиниқтиришда таббий кучлардан фойдаланиш, тўғри қомат белгилари, чидамлилик кучларини ривожлантириш учун махсус машқларни тавсия этади. Айниқса, рисоладаги ҳаво билан чиниқиш, болаларни сузишга ўргатиш, эпчиллик ва чаққонликни ривожлантириш учун машқлар, йиқилиш ва яра жароҳатларида биринчи ёрдам каби йўналишлар кичик ёшдаги болалар учун ниҳоятда фойдалидир.

(Ўз мухбиримиз)

БОҒДА БАЙРАМ САЙЛИ

«ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ»ГА ҲАМДА БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИГА БАҒИШЛАБ, ШАҲРИМИЗДАГИ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА АГРОСАНОАТ МАЖМУИ СОҲАСИДА ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МЕҲНАТ АҲЛИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ИШТИРОКИДА МАДАНИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ ҲАМДА ХАЛҚ САЙЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Иштирокчилар спортнинг дартс, тош кўтариш, арқон тортиш, болажонлар эса шашка, қувноқ стартлар бўйича ўзаро беллашиб, ота-оналари меҳнат қилаётган жамоаларининг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Тадбир қатнашчилари спорт соҳасидаги салоҳиятлари билан бирга бадиий ҳаваскорлик борасидаги истеъдодларини ҳам барчага намойиш этдилар. Қўшиқ айтиш, рақсга тушиш ва шеър ўқиш каби йўналишлар бўйича кўриктанлов ўтказилиб, кишига яхши кайфият бағишловчи маданий дастур барчада ёркин таассурот қолдирди.

Маданий-спорт дастури бўйича умумжамоа ҳисобида «Сифат» маркази ғалаба қозониб, Тошкент Ирригация ва мелиорация институтининг жамоаси фахрли иккинчи, Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаси учинчи ўринни эгалладилар. Ғолиб чиққан жамоа ҳамда фахрли ўринлар соҳибларига I,II,III даражали дипломлар ва спорт анжомларидан иборат бўлган қимматбаҳо совғалар тақдим этилди. Муҳими ғолиб чиқишгина эмас, фаол қатнашишдир.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси, Тошкент агротижорат коллежи, «Агротаъминот БС» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгаши жамоалари ҳамжиҳатлик, аҳиллик билан иштирок этдилар.

— Ушбу тадбирда ота-оналар билан бирга азиз болаларнинг иштироки, яйраб дам олишлари, хурсандчилиги мени қувонтирди. Бола кулгуси билан олам мунаввар, ҳаётимиз файзлидир, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси Ноила Умарова.

Боғдаги мазкур тадбирга келган тармоқ меҳнаткашларининг фарзандларига бешта ўйин аттракционидан иборат бўлган 600 дона чипта бепул тақдим этилди ҳамда кам таъминланган ишчилар ва уларнинг фарзандларидан 150 нафари дастурхонга таклиф этилиб, миллий таом —ош тортилди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мазкур банкнинг асосий вазифаларидан бири микрокредит ва микролизинг бериш бўйича хизматлар кўрсатишни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишдан иборат.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда дунёдаги етакчи халқаро молия ташкилотлари асосий эътиборини ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда кичик бизнеснинг равнақ топиши учун микрокредит ажратишга қаратмоқда. Шу боис мамлакатимизда «Микрокредитбанк»нинг ташкил этилиши қўплаб халқаро молия ташкилотларининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мазкур молия муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиб, уларнинг ресурсларини мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жалб этиш имкониятини янада оширади.Бундан ташқари, банкимиз томонидан қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминлайдиган филиаллар ва мини-банклар тизими орқали молиявий инфратузилмани ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор берилади. Ниятимиз яқин келажакда юртимизнинг барча туманларида, ҳатто, чекка қишлоқларда ҳам замон талабига жавоб берадиган филиаллар ва мини-банклар очишга эришишдир.

— **«Микрокредитбанк»нинг иш бошлаши тадбиркорларга қандай имкониятлар яратади?**

— Банкимиз томонидан янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари, микрофирма ва деҳқон хўжаликлари ҳамда фермер хўжаликларига бошланғич сармоя ажратилади ва уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланади. Ўз бизнесини ривожлантиришда айланма маблағ етишмовчилигини сезаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳам микрокредит олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур банк мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйишига ёрдам беради. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг молиявий ресурслардан янада кенг фойдаланиш имконияти таъминланади ва кенгаяди. Банкнинг бевосита молиявий мадади туфайли хусусий сектордаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Бу ўз навбатида кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошиши ва янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлади.

— **Микрокредит бериш ва микролизинг хизмати кўрсатиш тартиби хусусида ҳам гапириб берсангиз.**

— Мирокредит ва микролизинг хизмати кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш учун берилади. Микрокредит ва микролизинг хизмати ҳам кредитнинг асосий тамойилларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар йилига 5 фоиз ставкада энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида 18 ойгача бўлган муддатга ажратилади. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдиришга микрокредитларни Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан (ҳозирги кунда 16 фоиз) юқори бўлмаган фоиз ставкасида энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида 24 ойгача бўлган муддатга берилади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоиз ставкада энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдорида 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатилади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ҳамда ривожлантириши учун банкдан илгари олган микрокредитини ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини бизнес режа асосида вақтида, тўлиқ қайтарилишини таъминлаган ҳамкорларимиз кейинги микрокредит олиш ҳамда банк хизматидан фойдаланишда устун ҳуқуққа эга бўлади, бошқача айтганда, бизнинг ишончли мижозларимиз сафидан жой олади.

— **Президентимизнинг Фармонида «Микрокредитбанк» микрокредитларини расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиятчилик ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлиги алоҳида таъкидланган...**

— Қарз олувчилар микрокредит олишда атиги учта ҳужжат яъни, микрокредит олиш учун ариза, кредит ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари белгиланган бизнес-режа ҳамда кредитнинг қайтарилишини таъминланиш билан боғлиқ кафолатнома, шу жумладан, юридик шахс ҳуқуқи мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий ҳисобот тақдим этилади.

Шунингдек, микрокредит ва микролизинг ҳужжатларини расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларига енгиллик сифатида, гаров, кафолат ҳамда микромолиялаштириш билан боғлиқ бошқа шартномаларни нотариал тасдиқлаш шартнома суммасининг 0,1 фоиз ставкаси бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, қарз олувчилар учун бериладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган лизинг хизмати турлари ва механизмлари, шунингдек, бизнес-режа тузиш бўйича семинарлар ташкил этилади.

Шу ўринда айтиш лозимки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган микрокредитларнинг қайтарилишини таъминлаш банк олдидаги энг масъулиятли вазифалардандир. Ажратилаётган микрокредитнинг ҳар бир сўми банк айланмасидан кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига қайта йўналтирилиб борилиши шарт. Шу сабабли микрокредит ажратаётган банк ходими ҳам, кредитни олаётганлар ҳам бу талабни тўғри англаб етмоғи лозим.

Аввало, банк ходими мижозга дастлабки мулоқотдаёқ ҳақиқий ҳамкор сифатида тўғри йўлланма бериши, қарз олувчи томонидан тақдим этилган бизнес- режани, молиявий аҳволини тўғри таҳлил қилиши лозим. Қолаверса, кредитни тўлаш бўйича мажбуриятларни таъминлаш манбалари синчиклаб ўрганилади. Микрокредитни қайтара олиш қобилиятига эга мижозгагина маблағ ажратилади. Банкнинг масъул ходими томонидан микрокредит ажратилгандан кейинги жараёнда кредит шартномаси шартларининг бажарилишини, микрокредитдан самарали фойдаланиш, унинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш мақсадида доимий мониторинг амалга оширилади.

— **Шу кунларда банкда Президент Фармони ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Дастлабки босқичда Президент Фармони талабларидан келиб чиқиб, «Микрокредитбанк»ни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялар олиш учун зарур ҳужжатлар ўрнатилган тартибда Марказий банкка тақдим этилди ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олинди.

Маълумки, ушбу Фармон билан банк бошқаруви кенгаши тасдиқланди. Ушбу кенгашнинг мажлиси ўтказилиб, «Микрокредитбанк» фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида марказий аппаратнинг таркиби тасдиқланди ҳамда банкнинг узоқ муддатга мўлжалланган иш режаси белгилаб олинди.

Ўйлаймизки, ташкил этилган мазкур банк мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

ЎзА мухбири
Норали ОЧИЛОВ
суҳбатлашди

Маҳалланг — ота-онанг

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ ОБОДЛИКДА АКСИНИ ТОПАДИ

МАҲАЛЛАНИНГ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ, МУСТАҚКАМЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИДА, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАШДА, МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. МАҲАЛЛА АҲЛИНИНГ ТОТУВЛИГИ, БАҲАМЖИҲАТЛИКДА ИШ ОЛИБ БОРИШИДА, АЛБАТТА ОҚСОҚОЛНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДАДИР.

Шу боис ҳам оқсоқолликка оқил ва доно, билимли ва адолатли, шу билан бирга маҳалланинг ёшу қариси ҳурматига сазовор, ҳамиша маҳалладошлари қувончу ташвишларини бирга баҳам кўрадиган инсон сайлангани маъқул. Ана шунда маҳалла обод, маҳалладошлар кўнгли эса шод бўлади.

Миробод туманидаги «Олтинкўл» маҳалласи ҳам ҳудудда ўзига хос нуфузга эга бўлиб, бу ерда яшаётган турли миллат вакилларининг ҳамжиҳатлигини таъминлашга эътибор қаратилган. 4005 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу маҳалланинг ярмини кўп қаватли уйлар ташкил этиб, улар 23 та турар жой биноларидир.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳоли номидан уларнинг хоҳиш-иродасини билдириш истагида бўлган 74 нафар вакил маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлаш мақсадида йиғилишди. Сўлимгина маҳалла гузарида бўлиб ўтган сайлов йиғилишида кун тартиби тасдиқлангач, маҳалла оқсоқоли Саидкарим Сайдалиев ўтган 2,5 йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил ҳисобот берди.

— Ўтган давр мобайнида режа асосида бажарилган ишларимиз замирида асосан маҳалламиз ободлиги, аҳолининг ҳамжиҳатлиги, кекса ва ногиронларга ғамхўрлик, кам таъминланган оилаларга кўмак, ўсиб келаётган ёш авлод — фарзандларимиз камоли, маънавиятини юксалтириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ётади, — деди оқсоқол. — Бу борада мактаб ва болалар боғчалари ҳамда 2-оилавий поликлиника, ҳудудимиздаги шифохона билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда.

Шу билан бирга оқсоқол бажарилмай қолган ишлар, айрим камчилик ва нуқсонлар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Тафтиш комиссияси раиси ҳисоботида эса кам таъминланганларга пул тақсимлашдаги камчиликлар, ҳомийлар ёрдами хусусидаги ҳужжатларнинг топширилмагани ҳам очиқ-ойдин айтилди. Шунингдек, ҳар икки ҳисобот юзасидан музокараларга чиққан фуқаролар ҳам ўз фикрларини очиқ-ойдин айтишди.

— Маҳалланг — ота-онанг, дея бежизга таъкидламаймиз, — деди кўп йиллар мобайнида маҳаллага бошчилик қилган, ҳозирда фаолларданг саналган Жўра ака Ортиқов. — Янги сайланадиган оқсоқол ва унга кўмакдош маслаҳатчилар буни амалда исботлашлари лозим. Айниқса, кўп қаватли уйларга кириб бормоғимиз, уларни четлаб ўтмай ҳамжиҳатликда ишлашимиз керак. Оқсоқол маҳалладаги ҳеч бир оилани эътибордан четда қолдирмаса, эл дарди билан яшаса, тўй-маъракаларда бош-қош бўлсагина ҳурмат топади, ишончга сазовор бўлади.

— Маҳалла оқсоқоли ҳар бир ишимизда кўмакдош ва маслаҳатчи бўлса, албатта кўп қаватли уйларимизни асраш ва сақлашда, яшовчиларда мулкдорлик ҳиссини шакллантиришда муваффақиятларга эришамиз, — деди «Ораз» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Вера Костина. — Аҳолини бирлаштиришда маҳалланинг катта куч эканлигига аминмиз. Бу борада оқсоқолнинг билимдонлиги ва тадбиркорлиги иш беради. Саидкарим Сайдалиев буни уддалай олади.

Шунингдек, 30-уй бошлиғи Людмила Назарашвили, меҳнат фахрийси Александр Шариповлар ҳам бўлажак оқсоқол томонидан бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар хусусида фикрлар билдиришди.

Асосий масалага келганда эса оқсоқолликка даъвогар 2 та номзоддан бири Ғайрат Камолов 5 ойдан буён маҳаллани бошқариб келаётган Саидкарим Сайдалиевга ишонч билдириб, ўз номзодини қайтиб олди. Шундан сўнг вакиллар Саидкарим Сайдалиевнинг дастури билан муфассал танишдилар. Очиқ овоз бериш йўли билан ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда кўпчилик овоз билан Саидкарим Сайдалиев қайта оқсоқолликка сайланди.

Шунингдек, очиқ овозга қўйиш тартибида оқсоқолнинг маслаҳатчилари, тафтиш комиссияси ва котиб сайланди.

— Маҳалладошлар билдирган ишончдан ҳаяжондаман, — дейди қайта сайланган оқсоқол Саидкарим Сайдалиев. — Бугунги фикр-мулоҳазалардан, ўринли танқиддан керакли хулосалар чиқардим. Менга ишонишяптими — уни оқлашим шарт. Ҳар бир ишда уларнинг кўмагига таянаман. Негаки «Кенгашли тўй тарқамас», деган ажойиб нақл бор.

Аминмизки, ушбу ишончни оқлаш маҳалла ободлигида, яшовчилар ҳамжиҳатлигида ёркин акс этади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СЕРЕЖАННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

МОЛДАВИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЭЛЦЬ ШАҲРИДА ЭСТРАДА ҚЎШИҚЛАРИ ЁШ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ «ХРУСТАЛЬНЫЙ АИСТ» («БИЛЛУР ТУРНА») ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ- ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан истеъдодли хонандалар иштирок этган тадбирда ҳамюртимиз, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти талабаси Сережан Жанаҳметов иккинчи ўринни қўлга киритди. Шуни ҳам айтиш керакки, С.Жанаҳметов 2005 йили Москвада ўтган эстрада хонандаларининг халқаро танловида ҳам совринли ўринга лойиқ топилган эди.

ЎзА

Инсон ва қонун

Маҳаллаларда

ИШИМИЗ НАТИЖАСИДАН КЎНГЛИМИЗ КЎТАРИЛАДИ

ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИДА ЭЛУ ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ВА АҲОЛИ ТИНЧЛИГИНИ САҚЛАШНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРДА ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.



Хусусан, маҳаллаларда ташкил этилган милиция таянч пунктлари фаолиятига назар ташласак фикримиз исботини кўргандек бўламиз. Айтиб ўтиш жоизки, юртимиздаги тинчлик-тотувликни таъминлашда, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда, вояга етмаганларнинг турли ноқонуний йўллар, ёт оқимлар таъсирига тушиб қолмасликлари, адашмасликларида профилактика инспекторларининг қўшаётган ҳиссалари катта бўлмоқда. Уларнинг маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, хотин-қизлар, яраштирув комиссиялари, фаоллар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

— Профилактика инспекторларининг вазифаси шарафли ва айни вақтда ўта масъулиятлидир, — дейди «Самарқанд дарвоза» маҳалласидаги 357-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Абдуалим Кусжанов. — Шундай экан, инспекторнинг билими, иш тажрибаси, муомала маданияти, одамларнинг кўнглига қай даражада йўл топа олиши катта аҳамиятга эга. Ушбу ҳудудда икки йилдан бери иш олиб бораётган бўлсак, имкон борича маҳаллада тинчликнинг сақланиши, жиноятларнинг олдини олишга эътиборни қаратиб, ҳар бир хонадонга кириб боришга, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкиллаштиришга, қатор спорт мусобақаларини ўтказиб уларнинг соғлом бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишга интилиб келмоқдамиз. Шунингдек, туман мудофаа ишлари ва меҳнат бўлимлари билан яқин ҳамкорликда ўсмир-ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш бўйича ҳам яхши натижаларга эришмоқдамиз.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, айрим ичкиликбозликка берилган оилалардаги турмуш тарзини изга туширишга, умумий авф туфайли озодликка чиқиб оиласига қайтган фуқароларнинг паспорт олишлари, ишга жойлашишлари, лозим бўлганларга уй-жойини тиклашларига ҳисса қўшиш ҳам зиммамизда. Бизнинг бевосита кўмагимиз билан ҳаётда тўғри йўлни топган Асад Мирсамадов, ўзаро келишолмай ажралиш арафасида турган Машраб ва Муниса Йўлдошеваларнинг фарзандлари тарбияси билан шуғулланиб, ҳозирги кунда тинч, аҳил яшаётганларини кўриб меҳнатимизнинг оғир бўлишига қарамай фахрли ва савобли эканидан кўнглимиз кўтарилади.

Биз ўз касби ҳақида ғурурланиб сўзлаётган суҳбатдошимизнинг фикрларига қўшилган ҳолда шинам, зарур жиҳозлар билан таъминланган хонага кўз югуртирдик.

— Милиция таянч пунктимиз яқиндагина қурилиб фойдаланишга топширилди, — фикримизни тушуниб изоҳ берди Абдуалим Кусжанов. — Мана шундай ёруғ, барча зарур шарт-шароитлар яратилган жойда хизмат қилишнинг ўзи катта бахт. Бизга кўрсатилаётган юксак эътиборга виждонан меҳнат қилиб, ўзимиз учун хизмат қилаётган биноларни асраб-авайлаб, келажак авлодга муносиб таълим-тарбия бериш билан жавоб бермоғимиз лозим.

Дарҳақиқат, шу юрт, шу она-Ватан, маҳалла ўзимизники. Унга муносиб бўлиш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: 357-милиция таянч пункти фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КЕЧАСИ

МОСКВАДАГИ «ФОРУМ-ХОЛЛ»ДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНГА РОССИЯНИНГ ЕТАКЧИ СИЁСАТЧИЛАРИ, ДИПЛОМАТЛАР, БИЗНЕСМЕНЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР, АРТИСТЛАР МЕҲМОН СИФАТИДА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кўп қирралари ва бой миллий маданиятни қайта тиклаш ва қўллаб-қувватлашга улкан эътибор қаратилмоқда. Бугун бу борадаги ютуқлар республикамиздан олисда ҳам яхши маълум. Ўнлаб мамлакатларда томошабинлар ўзбек артистлари, мусиқачиларининг чиқишларини қарсаклар билан қарши олмоқда. Рассомларимиз, халқ усталарининг асарлари кўргазмалари катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек ёзувчи ва шоирларининг китоблари дунёнинг турли тилларида нашр этилаётир. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди ҳам мамлакатимиз маданиятини хорижда тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

«Форум-холл»нинг катта зали ўзбек миллий матолари билан безатилгани кечага ўзгача руҳ бахш этди. Бу ерда ўрнатилган мониторларда Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, ноёб меъморий ёдгорликлари ҳақида лавҳалар намойиш этилди. «Офарин» рақс театри диёримизнинг ҳар бир ҳудуди маданияти хусусиятларини акс эттирувчи чиқишларни ижро этди. Замонавий ўзбек эстрадасининг машҳур артистлари — «Ялла» ва «Болалар» гуруҳлари, Юлдуз Усмонова, Тоҳир Содиқов, Райҳон Ганиева, Рашид Холиқов ва бошқалар ўз санъатини намойиш этишидан олдин Ўзбекистон халқ артисти Ф.Зокиров ижросида Навоий, Жомий, Огаҳий, Хофиз Хоразмийнинг гўзаллик, муҳаббат, яхшилик ҳақидаги ажойиб рубоийлари янгради.

Меҳмонларда халқ амалий санъати кўргазмаси айниқса катта қизиқиш уйғотди. У анъанавий ва замонавий услублар асосида яратилаётган мамлакатимиз ҳунармандчилиги, бадиий, дизайнерлик санъати хилма-хиллиги ва бойлигини яққол намоён этди. Кўплаб сопол буюмлар ўзининг турли-туманлиги билан кишини лол қолдиради. Ўзбекистон Бадиий академияси ходимлари йиғилганларни халқ ҳунармандчилиги тарихи билан таништирди. Шу ернинг ўзида меҳмонлар Шарқ ширинликларидан, миллий таомлардан баҳраманд бўлишди.

Аксарият кеча иштирокчиларининг фикрича, этник маданий тадбирлар ташкилотчилари миллий хусусият ва замонавий технологияларнинг бу қадар ажойиб уйғунлигига камдан кам эриша олади, миллий санъатни бунчалик тўлиқ намойиш эта олади. «Первий канал» ОАЖ Ахборот дастурлари дирекцияси таҳлил бўлими бошлиғи, «Однако» кўрсатуви бошловчиси М.Леонтьевнинг таъкидлашича, «ўтказилган тадбир сўнгги вақтдаги ҳақиқий дипломатиянинг ажойиб намойиши бўлди».

Жамғарма матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бу Москвада Ўзбекистон санъатига бағишланган иккинчи кечадир. Биринчи марта бундай кеча Фонд ташаббуси билан 2005 йилда ўтказилган ва Россия жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотган эди.

Ўзбекистон санъати кечасида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Д.Медведев қатнашди.

ЎзА

Истеъмолчи ҳуқуқи

ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ БОРМИ?

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНГАНИ ДАВЛАТНИНГ ЖАҲОНДА ТУТГАН ЎРНИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУНДАЙ ҲИМОЯНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР, МАДАНИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ФАН ВА ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИНИНГ АМАЛИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ.

Кейинги йигирма йилликда халқаро муомалага киритилаётган товарлар ва хизматларда интеллектуал меҳнатнинг ўрни ортиб бормоқда. Илғор илмий соҳалар — ЭҲМ ва уларни дастур билан таъминлаш, телекоммуникация воситалари, биотехнология ва фармакология жуда тез ривожланмоқда, ишлаб чиқаришда янги жараёнлар юқори ўринга кўтарилди. Шу билан бирга сохта маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва интеллектуал мулк ҳуқуқини бузишлик кенг кулоч ёйди. Осиё, Шимолий Америка ва Лотин Америкаси давлатларида патентланган «Ноу хау» ва товар белгиларидан ноқонуний фойдаланувчи бутун бир соҳалар юзага келди.

Хусусан, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилиши илмий тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказиш қийин бўлган илғор ва чуқур илмий соҳаларда содир этилмоқда. Паст баҳодаги сохта маҳсулот бозордан технология ишлаб чиқарувчилар товарини сиқиб чиқарувчи омил ва келажакдаги тадқиқотларга бўлган моддий ва маънавий қизиқишни камайтиради. Шу билан бирга товар белгиларини сохталаштириш ва шу орқали сифатсиз товарларнинг харидоргирлигини таъминлашга ва баҳосини оширишга ҳаракат қилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Кейинги пайтларда бозорларда асосан кенг истеъмолчилар доираси учун мўлжалланган кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, пойабзалларнинг товар белгиларини сохталаштириш ҳоллари кўп учрамоқда.

Шунинг учун товар белгиси нима ва маҳсулотларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш асослари нималардан иборат деган саволларга жавоб бериш лозим бўлади. Зеро, айнан товар белгиси ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ўрнини белгилашга ва бир товарни иккинчисидан фарқлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига мувофиқ, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (яъни товар белгиси), бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Қоидага кўра, тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Товар белгиси бевосита товарни ишлаб чиқараётган шахс томонидан ишлаб чиқилади ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идорасига талабнома билан топширилади. Бунда товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши сўралаётган тасвир, сўз, муайян шакл товар эгаси томонидан тайёрланади ва бунда у қонун ҳужжатларида кўзда тутилган талабларга зид бўлмаслиги керак. Қонуннинг 10-моддасида товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар кўрсатиб ўтилган.

Товар белгисини ўтказиш тўғрисидаги талабнома Давлат патент идорасига топширилган санадан бошлаб ўттиз кунлик муддат ичида расмий экспертизадан ўтказилади. Экспертиза натижаларига кўра талабнома кўриб чиқишга қабул қилинса, шу кундан бошлаб тўққиз кун мобайнида «белги» экспертизадан ўтказилади. Экспертиза натижаларига биноан патент идораси товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида, ёхуд уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу хусусда хабардор қилинади («Товар белгиларн, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси).

Айнан шу пайтдан бошлаб шахс товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фозилхон МАЪМУРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

Солиқ

МУҲИМИ — МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ

ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ НЕГИЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНГАН МОЛИЯ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИ ЎЗИНИНГ ИЧКИ ҚОНУНИЯТЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ҚУДРАТЛИ МЕХАНИЗМ ОРҚАЛИ ҲАРАКАТ ҚИЛАДИГАН СОҲАГА АЙЛАНДИ.

Мустақил юртимиз иқтисодиётининг кундан-кунга ривожланиб боришида бу соҳа эгаларининг улушлари ҳам салмоқлидир. Биз Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар кўламига назар ташладик.

—Президентимизнинг 2005 йил 14 июнда қабул қилинган «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида аниқ йўналишлар белгилаб берилди, — дейди биз билан суҳбатда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳасан Қосимов.— Мазкур Фармон орқали мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва хусусий секторни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди. Бугунги кунда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини соддалаштириш, молиявий жавобгарликка оид эркинлаштириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари белгиланган. Яъни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 кунигача ҳар чоракда ҳисобот топширилиши жорий қилинган. Бу эса корхона томонидан сансалорликка барҳам берилиши ва ортиқча вақтнинг сарфланишининг олдини олади. Буларнинг барчаси тадбиркорларимизнинг манфаатини кўзлаб қилинаётган ишлар самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йилнинг 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги қарори тадбиркорлар йўлида учраётган тўсиқларни бартараф этишда муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, тадбиркор иш бошлашдан аввал рухсатнома олиши лозим. Қонунчилигимизда бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлса-да, сир эмас, ушбу йўналишда бюрократик тўсиқлар учраб турарди. Сунъий ғовлар, қоғозбозлик ва энг ачинарлиси, порахўрлик иллатлари айримларни шу босқичдаёқ орқага қайтишга мажбур этарди. Мазкур қарор айнй шундай салбий ҳолатларга барҳам бериш, бу борада тадбиркорларга янада қулай шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий харажатларни, рухсатнома турларини кескин қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш мақсадида қабул қилинди.

Эндиликда туманимизда айрим фаолият турлари билан шуғулланувчи субъектлар чекланмаган муддатга лицензия олмоқда. Улар аудиторлик, ветеринария, тиббий хизмат кўрсатиш, фармацевтика, дарё транспортларида йўловчи ва юк ташиш, қимматбаҳо тош ва металлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш, баҳолаш, биржа, туризм, ломбард, улгуржи савдо ва суғурта ҳамда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлардир. Бу имконият тадбирларнинг ушбу йўналишлар ривожида жуда муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

— Иқтисодиётимизнинг ривожида ўзининг беминнат ҳиссасини қўшаётган тадбиркорларнинг солиқ сиёсатида рўй бераётган ислоҳотлардан мамнунлиги уларнинг фаолиятларидан кўриниб турибди, — дейди суҳбатни давом эттириб ҳуқуқий шароитларни солиққа тортиш ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Юнус Насимжонов. — Ҳалқимизнинг корига яраётган ишбилармонларга яратилган шарт-шароитлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Президентимизнинг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Фармонига асосан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган экология солиғи бекор қилинди. Шунингдек, даромад солиғи 15 фоиздан 13 фоизга камайтирилди, жисмоний шахслар даромадидан тўланадиган даромад солиғи 1 фоизга пасайтирилди. Аввалги кўрсаткичларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 10 баробаригача бўлган маошлардан 20 фоизгача, кам иш ҳақининг 10 баробаридан юқорисига 29 фоиз қилиб даромад солиғи олинадиган бўлди. Айниқса, жисмоний шахслар дивидендидан тўланадиган даромад солиғи 15фоиздан 10 фоизга камайтирилиши, ягона ижтимоий суғурта тўлови эса 25 фоиз қилиб белгиланиши солиқ тўловчиларни қувонтирди.

Жорий ишларнинг амалий натижаси ўлароқ семинар-йиғилишларнинг ўтказилиши ҳам маҳаллий аҳолининг фикрини билишга сабаб бўляпти. Иқтисодиётимизни эркинлаштириш йўлида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Яъни, бозор муносабатларига асосланган жамият шаклланиб, талаб ва таклиф тушунчалари юзага келмоқда. Бу эса Юртбошимиз ва ҳукуматимиз белгилаб берган истиқболли режаларнинг амалий натижасидир.

Азамат ЗАРИФ

Саховат

ТАДБИРКОРЛАР ҲИММАТИ

ПОЙТАХТИМИЗ ТУМАНЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ҲАРАКАТИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. БИРГИНА ЮНУСОБОД ТУМАНИНИНГ ЎЗИДА ДАВРИМИЗНИНГ БУНДАЙ ЖОНКУЯР ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН БИР НЕЧТА КИЧИК КОРХОНАЛАР ОЧИЛДИ.

Қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда ҳам тадбиркорлик ҳаракати муҳим ўрин тутаётир. «Нема» деб номланган қўшма корхона ҳам хайрия тадбирларида фаоллик кўрсатмоқда.

Корхона ишлаб топган маблағи ҳисобидан 31-Меҳрибонлик уйига ёрдам пули ўтказди. Тумандаги «Эл-холдинг» компанияси ҳам ҳиммат кўрсатди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кўргазмали ўқув қуролларидан талайгинаси туман халқ таълими бўлимига тортиқ қилинди.

Бунинг учун компания бир миллион сўм ажратди.

Ҳукм ўқилди

ЖАҲЛНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛМАСЛИК ОҚИБАТИ

ДИЛМУРОД ПОЙТАХТГА КЕЛГАЧ, ВАҚТИНЧАЛИК ИШГА ЖОЙЛАШДИ. ШУНДАЙ КУНЛАРНИНГ БИРИДА ТУРМУШ ЎРТОҒИ ҲОЗИРДА ЖАЗО МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН, УЧ НАФАР ФАРЗАНДИНИ ҚЎЛ УЧИДА ВОЯГА ЕТКАЗАЁТГАН ЖУВОН — САИДА БИЛАН ТАНИШИБ ҚОЛДИ.

Халқимизда муҳаббатнинг кўзи кўр бўлади деган нақл бор. Гарчи Дилмурод ва Саида ўртасида кунба кун юзага келаётган муносабатларни севги, муҳаббатдек покиза, соф туйғуларга менгзаб бўлмаса-да, ҳали етарлича турмуш тажрибаларига эга бўлмаган, ғўргина йигитнинг Саида билан никоҳсиз яшай бошлагани кўпчиликда яхши таассурот қолдирмагани аён ҳақиқат.

Кўп ўтмай Дилмуродни Қўқонга чақиртиришади. Ҳамдам отанинг мақсади кўпдан бери уйдан ташқарида юрган ўғлини уйлантириб қўйиш, шу орқали узоқ йиллардан бери орзу бўлиб келаётган — келин туширишдек бахтдан бахраманд бўлиш эди.

— Ўғлим! Ўзинг биласан, раҳматли онанг сенинг бахтингни кўролмай кетди. Энди сени уйлантириб қўйиш менинг оталик бурчим. Агар топган-тутганинг бўлса бер, мен ҳам қараб турмайман, —деди ота.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган Шоҳида мустақил ҳаётнинг, келинлик даврининг лаззатини тотмай туриб икки ўт орасида қолди. Орадан йигирма кунча вақт ўтгач, Дилмурод яна ортга қайтди. На отанинг, на ёстиқдошининг таваллолари кор қилди. Барча айтилган гап-сўзлар бесамар кетди. Уйдан чиқ туриб Шоҳидаги қарата: «Мен сенга кўнгилсизман, тўрт томонинг қибла», деди.

...«Қўйлиқ» деҳқон бозори ҳар кунгидек одамлар билан гавжум. Дилмурод узоқдан Саиданинг дугонаси Гулчеҳрани кўрди-ю, олдига борди.

—Саиданинг аҳволи қандай? Яхши юрибдими? — сўради Дилмурод.

— Саида-ку яхши юрибди. Лекин бошқасини топиб олган, — деди Гулчеҳра бамайлихотир.

— Ким экан? Дилмуроднинг қони қайнаб, дунё кўзига қоронғу бўлиб кетди.

— Мен қардан билай. Кеча уйига борсам, иккаласи чақ-чақлашиб ўтиришган экан... Кеч кириб уйимга қайтганимда ҳам ўша бола ўтирганди.

— Бу қандай бўлди? Ахир Саидани деб, йигирма кунлик гулдай хотинимни ташлаб келдим.

Гулчеҳра одатдагидан ҳам хотиржам эди. Шу боис Дилмуродга маъноли тикилди-да:

— Бу сенинг проблеманг, — деди.

Айтилган сўз, отилган ўқ, дея бежизга айтишмаган. Гулчеҳранинг бу гапи Дилмурод учун худди ловиллаб турган оловга мой сепгандай бўлди. У қандай қилиб бозордан чиққанини, таксига ўтириб Саиданинг уйига келганини эслай олмайди. «Ҳозир кириб бориши билан аввал ўша болани, кейин Саидани ўлдиради! Ўлдиради!!!»

Эшикни шараклатиб очди-ю, ҳангу манг бўлиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, Саида билан ўтирган йигит бегона эмас, ўзининг ўртоғи Раҳимжон. Бир вақтлар битта майизни бўлиб ейишган қадрдонларнинг шу аснодаги учрашуви аянчли эди.

— Дилмурод нима қилиб юрибсан? Кел, ўртоқ, ўтир!

Раҳимжоннинг овози негадир титраб чиқди.

— Сен билан биз энди ўртоқ эмасмиз!

Дилмурод эпчиллик билан стол устида турган пичоқни олди-ю, Раҳимжонга ташланди.

— Нима қиляпсан, эсингни йиғ, қаердаги бир сатангни деб дўстлигимиз узилмасин...— деди Раҳимжон жон талвасасида.

... Орадан ярим соат ўтиб, қонга беланган Раҳимжоннинг жасади Саиданинг уйидаги тингчина ҳаёт оромини бузиб юборди. Қўрқув ва даҳшатдан қалт-қалт титраётган, ранги докадай оқариб кетган хонадон соҳибасини кўрган одамнинг эти жунжикиши табиий эди.

Раҳимжоннинг ўлими билан боғлиқ суд-тиббий экспертизаси хулосаларида, марҳум ўта ваҳшиёна ўлдирилганлиги қайд этилади. Яъни чап кўкрак, ўнг қўлтиқ ости соҳаси ва бир қанча аъзоларнинг кесилиб санчилиши оқибатида келиб чиққан яралар Раҳимжоннинг ҳаёт, шаминнг сўнишига хизмат қилди.

Д.Акбаров устидан ўтказилган очиқ суд мажлисида айбланувчи ўзига қўйилаётган барча айбларни тан олди. Суд ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 59-моддаси билан у 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазонинг умумий тартибли колонияда ўталиши белгилаб қўйилди.

Кечалари осмонда юлдуз унса, бирор одамнинг жони узилди дейилади. Раҳимжон ўз дўстининг қўлида жон таслим қилганида, бир аёлнинг устида кечган можаро ўлим билан якунланганида ҳам балки кўкда юлдуз учгандир. Биз эса бу ўринда суюкли адибимиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» китобидан олинган қуйидаги парчани келтирмоқчимиз:

«Аёл қавмини ипидан игнасигача биласан дейсизми? О-о-о, сиз даҳо экансиз!

Айтингчи, Шарқдан секундига бешетти метр тезликда эсаётган шамол ўн дақиқадан кейин Шимолга бурилади, Жанубгами? Ярим соатдан кейин изғирингга айланадими, бўронгами?..»

Хулоса чиқаришни эса ўзингизга ҳавола қилдик, азизлар!

Саодат МИРСАГАТОВА,
жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист

Диққат, янгилик!

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ САМАРАСИ

«САМКОЧАВТО» ЎЗБЕК-ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН «ОТАЙЎЛ» АВТОБУСЛАРИ ҲАМ ЙЎЛОВЧИЛАР УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛМОҚДА. БУ ҚУЛАЙ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИНГ ИШЛАШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ҲАМДА СИФАТЛИ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАҚСАДИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА.

Автобус двигателлари учун махсус мослама ҳам юзага келди. Чангдан ва намдан яхши сақлашга мослаштирилган бундай ёпқич қурилма Туркия мармари кукунларини пресслаш орқали тайёрланмоқда.

Катта иқтисодий фойда берадиган бу янгилик Тошкентдаги «Тинос» корхонаси техника ижодкорлари изланиши натижаси бўлди.

МУКАММАЛ ДАСТГОҲ

БУТУНЖАҲОН АҚЛИЙ МУЛК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОНДА КЎПЛАБ ЙИРИК ИХТИРО ВА КАШФИЁТЛАР ЯРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ЮЗАГА КЕЛГАН МУҲИМ ТЕХНИК ЯНГИЛИКЛАР ҲАМ ХАЛҚАРО ДОИРАДА ЭЪТИРОФ ҚИЛИНМОҚДА.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти тадқиқотчиси Зарифжон Тожибоев ихтиро қилган тикув машинасининг янги модели ҳам олий ўқув юртига шараф келтирди.

Иккинчи занжирли чок берувчи бу тикув машинаси энг яхши ихтиро сифатида Швейцария орқали ўз тасдиғини топди.

Дунё миқёсидаги патентни қўлга киритган мазкур қурилма материалларни мустаҳкам чоклаши, юқори даражадаги эластик чок олиши билан амалдаги дастгоҳлардан фарқланади. Айни вақтда чалиштиргич, илгак, пастки ипни тортгич, ипни тортгич, материал сургич каби ишчи органига эга.

Акбар АЛИЕВ

Оз-оз ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидир.

«МАХЗАН ал-улум»

ҲИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс кўйига гирифтор бўлса, барча балолар остида хор бўлади. Фард:

Нафсини тиймаса киши бўлур хор,
Нафс уни қилади кўча-кўйда зор.

Киши тирик экан, нафси билан курашда мағлуб бўлмаслиги керак. Нафс шундай душманки, манманлик ва қайсарлик унинг шиоридир. Нафс шундай такаббурки, кибру ҳаво унинг ҳамроҳидир.

Байт:

Нафсингни ўлдирсанг ғамдан озодсан,
Душманинг бўлмайди, доимо шодсан.

Эй азиз, ҳар ким нафсининг оғзини тиндирса нафс шундагина уни саргардонликдан тиндиради. Агар мард бўлсанг нафсинг бўйнини уз, йўқса балолар домига дучор бўлиш режасини туз.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ибн ал-Ҳорис айтади:

— Бир йигит бойлик қидириб уйидан чиққан эди. У йўл юриб чарчаб, бир харобанинг олдига келиб ўтирди. Ногоҳ унинг кўзи деворга ёзиб қўйилган қуйидаги сатрларга тушади:

Эй қаршимда ўтирган, сени кўриб турибман,
Билдимки қайғу-ғамдан юрагинг тўла қондир.
Қийнамагил ўзингни, борингга сабр айла,
Қаноатли кишидан ғаму-кулфат ниҳондир.

Йигит бу сатрларни ўқиб, бойлик топиш фикридан қайтди ва уйига кетди.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Оқил инсон топганига сабр этар,
Сўнг ўзининг нафсига ул қаҳр этар!
Аблаҳ одам аблаҳи шундай одам,
Доимо нафс кўйида ургай қадам!

Фаридиддин АТТОР

ҲИКМАТ. Ҳар кимнинг нафси ақлига хизмат қилса, ундай кишига бахт ва давлат юзланади. Ҳар кимнинг ақли нафсига хизмат қилса, бахту иқбол ундай кишидан юз ўгиради. Байт:

Нафски ақлга бўйсунса агар,
Иқбол дарахтидан мева ер киши.
Ақлдан зиёда бўлса агар нафс,
Одамнинг кунба-кун ортар ташвиши.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Эй фарзанд, нафси амморанг кўйига кириб, керагидан ортиқча молу мулк топишга интилма, ўзингни элу-юрт олдида шарманда қилма!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Ҳасад аслида ҳиммат пастлигидан ва табъхасислигидан вужудга келади. Булар жоҳиллик натижасидур. Ҳасад ақлнинг нуқсонли эканлигига равшан далилдир.

КОШИФИЙ

Кишига берса ким моли ҳаромий,
Умид этса савоб ул марди омий.
Бўлур кофир умид этган ул инсон
Билиб олиб дуо қилғон ҳам ул он.

Сўфи ОЛЛОЁР

Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочгандан фойдали.

«ОТАЛАР сўзи»

ҲИКМАТ. Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қочиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билиб, айбини топаман дейишдан қўл ювиш натижаси юксак хулқдир.

Байт:

Оғир меҳнатларга йўликди ҳар ким,
Таъма кўзини тикса, дўсту душманга.
Қилган таъмасига етмаса агар,
Гина билан озор берди кўп танга.
Таъмагирнинг умри ғам билан ўтар,
Оқибат дер бир кун «эвоҳ, аттанг!»
Ҳар кими шод ила хандон яшади,
Борига сабр этса бормай «ман-санга».

Мажидиддин ХАВОФИЙ

Ҳар ким таъма йўлин тутса гар пеш,
Оқибат бир кун бўлғувчи дарвеш!

Фаридиддин АТТОР

Таъмани тарк эт чиқ гўшаи қаноатаро,
Санга йўқ ўзга жаҳон ичра ҳамният.

Комил ХОРАЗМИЙ

Таъмагирлик ёмон хулқлардан бири ҳисобланади. Таъмагир одам ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун турли қабиҳликлардан ҳам қайтмайди, ҳеч қандай гуноҳдан қўрқмайди, ёлғон гапирмай юрмайди, ёлғон сўзини исботлаш учун ёлғон қасамлар ичади. У ҳар хил ҳийлаларни ўйлаб топади ва ҳаром ейди.

Хаёлидин ал-ҲАСАНИЙ

Бошқалардин ўзини баланд тутган одамга бахт кулиб боқмайди.

«ҚЎРҚИТ ОТА КИТОБИ»

Тўғри юргани учун ўқ ўз йўлида,
Эъзоз топди, кўргил, шоҳлар қўлида.
Дилингни тўғри тут, балодан қўрқма,
Ёқут ич-у асло вабодан қўрқма.
Қандай создир киши кажликдан қочар,
Ростлик ғалабага доим йўл очар.

Низомий ГАНЖАВИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси «Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорти фахрий ходими», «Меҳнат фахрийси»

Нурилла Абдуллаевич ДЕҲҚОНХЎЖАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради

МАКТАБЛАРДА ҲАМ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯКУНЛАНДИ. 9 ВА 11-СИНФНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚАЛБЛАРИДА «КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?» ДЕГАН ЎЙ, САВОЛ. АЛБАТТА ЁШЛАР АЛЛАҚАЧОН КЕЛАЖАКДА КИМ БЎЛИШЛАРИ, ҚАЙСИ КАСБНИ ЭГАЛЛАШЛАРИНИ ДИЛЛАРИГА ТУГИБ, ЎЗ ОРЗУЛАРИ САРИ ИНТИЛМОҚДАЛАР. БУНДАЙ ЁШЛАРГА КЎМАКЛАШИШ, БИРОР КАСБ-ҲУНАР ЭГАСИ БЎЛИШ УЧУН УЛАРГА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ, МАСЛАҲАТ БЕРИШ МАҚСАДИДА БАРЧА КОЛЛЕЖЛАРДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.





Таълим масканларида

КОЛЛЕЖДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Яқинда Тошкент педагогика коллежида ҳам битирувчи ёшлар учун Очиқ эшиклар куни ўтказилди. Шу куни ўқув масканига шаҳримиздаги ва Тошкент туманидаги мактаблардан жами 140 нафардан ортиқ 9-синф битирувчилари йиғилдилар. Тадбирни очар экан Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ёшларнинг ҳар томонлама чуқур билим, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётганлигини қайд этиб, битирувчи ёшларнинг, ўз орзуларига етишишларида омадлар тилади. Шундан сўнг Тошкент педагогика коллежи директори Муҳаббат Тожиева сўз олиб, коллеж ҳаёти ва фаолияти ҳақида, бугунги кунда бу масканда ўқувчилар қайси йўналишлар бўйича таълим олаётганлари ҳамда ўқув жараёнлари хусусида ёшларга маълумот берди.

Дарҳақиқат, Тошкент педагогика коллежи шаҳримиздаги ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга ўргатувчи нуфузли таълим масканларидан саналади. Ушбу масканда ўқувчилар учта йўналиш, яъни мактабгача таълим, бошланғич таълим ва мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича таҳсил оладилар ҳамда мактабгача таълим муассасаларида хорижий тилларни ўргатиш ҳуқуқига эга бўлган тарбиячи, бошланғич компьютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи, бошланғич синфларда эстетик тарбия ташкилотчиси, бошланғич синфларда меҳнат тарбияси ташкилотчиси, куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи, ахборот ва компьютер техникаси, тўқувчилик, тикувчилик,каштачилик, пазандачилик сингари ихтисосликларни эгаллайдилар. Ҳозирги кунда коллежда 124 нафар фан номзодлари, «Йил ўқитувчиси» танлови совриндорлари, олий тоифали ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия бериб келишмоқда. Шунингдек, таълим масканида замонавий жиҳозланган компьютер, лингафон хоналари, физика,-химия,биология хоналари мавжуд. Бундан ташқари 42780 нусхадан иборат дарслик, ўқув қўлланмалари ва бадиий адабиётларга эга бўлган кутубхона, 260 ўринга мўлжалланган ётоқхона, замонавий жиҳозланган спорт ва тренажёр зали, 150 ўринли ошхона ўқувчиларга хизмат кўрсатади.

Бу йил коллежни 464 нафар қиз битирмоқда. Қизлар ушбу ўқув масканида нафақат педагогик йўналиш бўйича билимга эга бўлишади, балки оилага, турмушга ҳам тайёр бўлиб чиқишади.

Очиқ эшиклар тадбирида битирувчи ёшлар ҳам сўзга чиқиб, коллежда билим ва ҳунарлар ўрганганларини фахр билан сўзлаб,устозларига миннатдорлик билдирдилар. Чилонзор туманидаги 394- мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ижросидаги гўзал ва қувноқ кўшиқ ва рақслар тадбирга янада файз киритди. Сўнг битирувчи ёшлар коллеж ҳаёти, дарс хоналари, спорт заллари ва компьютер хоналари билан танишдилар.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: Очиқ эшиклар куни тадбиридан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар

«01»

ҲАММАСИ ПОЙДЕВОРДАН БОШЛАНАДИ

БАРЧАМИЗГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, ПОЙТАХТИМИЗДА, ЖУМЛАДАН, ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДА ҲАМ ЙИЛ САЙИН КЎПЛАБ ЯНГИ, БИР-БИРИДАН КЎРКАМ БИНОЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА, ТУРЛИ КОРХОНАЛАР, МАКТАБ, ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖЛАР, БАНК ВА ТИББИЁТ МАСКАНЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛМОҚДА. УЛАР ШАҲРИМИЗ КЎРКИГА КЎРК, ЧИРОЙИГА ЧИРОЙ ҚЎШАДИ, АЛБАТТА.

Мазкур бинолар сифат жиҳатидан мустаҳкам бўлиши, замонавий техника воситалари билан жиҳозланиши, замон талабларига жавоб берадиган даражада қурилиши керак. Шуни унутмаслик лозимки, озгина бепарволик қилиш оқибатида ёнғин хавфсизлиги талабларининг иккинчи даражага тушиб қолиши бу биноларда ёнғин келиб чиқишининг эҳтимолини оширади.

Содир бўлаётган ёнғинлар ва улар туфайли келиб чиқаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиш барчамизга бирдек масъулият юклайди. Аслида ёнғин хавфсизлиги талаб ва меъёрларига амал қилиш, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади. Зеро ёнғин хавфсизлиги талабларига тўла амал қилингандагина унинг том маънодаги мустаҳкамлигини таъминлаш мумкин.

Нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида лойиҳалаш ва қурилиш жараёнида ёнғинга қарши тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш ёнғин хавфсизлиги хизмати меъёрий техника экспертизаси гуруҳининг асосий вазифасини ташкил қилади. Бу борадаги ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 17 майдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси давлат ёнғин назорати тўғрисида"ги Низом асосида олиб борилади. Лойиҳани ишлаб чиқиш даврида тегишли меъёрларга амал этилиши ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан назорат қилинади. Олиб борилаётган ҳар бир қурилишга лойиҳага киритилган ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун ёнғин хавфсизлиги хизматидан тажрибали ходим бириктирилади. Демак, қурилиш ишларида бизнинг хизматимиз ходимлари бевосита иштирок этади.

Ёнғинга қарши чора-тадбирларни белгилашда асосан корхонанинг ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан зоналарга ажратилишига, ёнғиндан сақлаш масофаларида жойлашишига, асосий шамол йўналиши, жой рельефига эътибор берилади. Шунингдек, қўшни хоналар ва аҳоли яшовчи жойларга нисбатан асосий ва ёрдамчи йўллар билан таъминланиши, ёнғин содир бўлганда ўт ўчирувчиларнинг ўз вақтида етиб келишини ҳисобга олиб, ёнғин ўчириш қисмининг жойлашиши, асосий иншоотлар, ёнғинга қарши сув тармоғи бўйича сув, газ, электр қувватн билан таъминлаш, алоқа ва хабарлаш йўналишлари бўйича тўғри қарор қабул қилиш ҳам жуда муҳимдир. Ишлаб турган корхоналарда эса бино ва иншоотларни қайта техник жиҳозлаш, уларда янги ишлаб чиқариш жиҳозларини ўрнатиш лойиҳалари юзасидан, транспорт йўллари, электр, газ, алоқа ва хабарлаш, ёнғинга қарши сув таъминоти тизимлари ўзгарганда давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ўз хулосаларини беради.

Бу тадбирлардан кўзланган мақсад ягона: ёнғинларнинг олдини олиш, мулк хавфсизлигини таъминлаш. Зеро, қоидаларга тўла амал қилинган ҳолдагина мустаҳкам, мукаммал бинолар қурилади. Бу эса ёнғин хавфини бартараф этиш йўлидаги дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади.

Ҳамидулла ҲАСАНОВ, милиция капитани, Хусниддин НОСИРОВ, милиция лейтенанти, Яккасарой туман ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспекторлари

Мунажжим башорати

ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ

2 ИЮНЬ, ЖУМА

АСТРОЛОГИК ФАОЛ КУНЛАРДАН БИРИ. ТАНБАЛЛИК, ДАНГАСАЛИККА БЕРИЛИШ МУМКИН ЭМАС. ШУНИ БИЛИНГКИ, ТОҒЛАРНИ АҒДАРИШГА ҲАМ ҚУРБИНГИЗ ЕТАДИ. ФАҚАТ ЎЗ ҚУСУРЛАРИМИЗ ЎЗИМИЗГА БЎЛГАН ИШОНЧИМИЗНИ СУСАЙТИРАДИ, ТАШҚИ НИМАЛАРДАНДИР ЎЗИМИЗНИ АСРАШГА МАЖБУР ЭТАДИ.

Ижодий касб эгалари учун яхши кунлардан бири бугун. Бироз номукаммалроқ, бирмунча бесўнақай бўлсада, ўзига хослигимиз ҳаммамизнинг умумий равнақимизга зарур омил бўлиб хизмат қилади. Ҳеч қандай чекловларсиз ҳар қандай ишга қўл уришингиз мумкин.

Эҳтиросларни бир бора тўқиб солиш йиллаб тўпланиб қолган ғуборларингиз чиқиб кетишига ёрдам беради. Туйғуларингизга ишонаверинг, зеро бугун биз бўлажак ўзгаришларни олдиндан жуда яхши ҳис этамиз. Муаммоларнинг олдини олиш имконияти ҳам мавжуд.

Ёмғир остида қолиш ёки устингизга сув тўкилиши бугун яхши аломатлардан ҳисобланади. Идиш-товоқнинг синиши нохушликлар ва айрилиқларга ишора, бирон жароҳат олиш эса, сирларингиз ошкор бўлиши, ишдаги тўсиқларни билдиради.

Бу кеча кўрилган тушлар тўғридан-тўғри ва ягона маънода таъбир қилинади. Тушда кўрилган олов ўйланмай қилинадиган ишлардан сизни огоҳлантиради.

Шу куни танани тозаловчи, ёшартирувчи муолажалар, дори-дармонлар тайёрлаш билан шуғулланиш тавсия этилади. Ҳаммомга тушишингиз мумкин – самараси ғоят унумли бўлади. Иложи борича кўпроқ суюқлик ичиш, айниқса қудуқ ёки булоқ сувларини истеъмол қилиш фойдали. Улар бугун шифобахш қудратга эга бўладиган кун.

Кумушранг ва ҳаворанг тусли либослар бугунги кун руҳига жуда мос бўлади. Қора ва жуда ёрқин ранглардан узоқроқ бўлинг.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

Футбол

САФАРДАГИ МУҲИМ ҒАЛАБА

МАМЛАКАТ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 11-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ, ШАҲРИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ ЖАМОАСИ «ПАХТАКОР»ГА ЯНА МУҲИМ УЧ ОЧКОНИ ҲАДЯ ЭТДИ.

Зарафшон шаҳрида собиқ пахтакорчи Игорь Шквирин бош мураббийлик қилаётган «Қизилқум» жамоасига қарши майдонга тушган «Пахтакор» футболчиларига айтиш жоизки, шу куни омад кулиб боқди. Сабаби Шквирин шогирдлари ғалаба қозониш учун муросасиз кураш олиб боришди. «Пахтакор» дарвозаси томон уюштирилган хавфли вазиятлардан зарафшонликлар унумли фойдалана олишмади. «Сен гол урмасанг, сенга уришади» деган футбол қоидаси ушбу учрашувни ҳам четлаб ўтмади. Тажриба, маҳорат бобида майдон эгаларидан анча кучли бўлган «Пахтакор» жамоаси иккинчи бўлимда чиройли комбинациялар уюштириб мезбонларни анча шошириб қўйди. Кетма-кет ташкил этилган хавфли ҳужумлар натижасида 67-дақиқада «Қизилқум» дарвозаси пахтакорчилар томонидан забт этилди. Чемпионга муҳим уч очкони ҳадя этган ушбу голни дарвозага Анваржон Солиев киритди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Самарқанд — Динамо» — «Трактор» — 0:1, «Насаф» — «Шўртан» — 3:2, «Хоразм» — «Андижон» — 0:3, «Металлург» — «Нефтчи» — 2:1, «Навбаҳор» — «Тўпаланг» — 1:0, «Машъал» — «Локомотив» — 4:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 12-тур учрашувлари 2 июнда бўлиб ўтади.

Анвар ВАЛИЕВ

Қадриятларимиз

БЕЛБОҒ

ЎЗБЕКНИНГ БЕЛИДА ДОИМ БЕЛБОҒ БЎЛГАН. БЕЛБОҒ БЕЛНИ МАҲКАМ ҚИЛАДИ. КИШИ ҚАДДИ БУКИЛМАЙ, ТИК ЮРАДИ.

Илгарилари умуман белбоғсиз эркак бўлмаган. Белбоғ сўзи эркакларга нисбатан ишлатилган. Белбоғ мардлик рамзи ҳамдир. «Бевафолик қилма ёр, белда белбоғинг билан» деб, севги ва вафо йўлида йигитларга қарата айтилган.

Белбоғ ёши қайтган кексалар белига янада қувват бериб келган. Бел бақувват бўлиши учун қариялар уни маҳкамроқ боғлашган.

Ҳозирги кунда ҳам белбоғнинг қадрига етганларни турли жойларда учратиш мумкин. Учтепа туманидаги, «Нишаб ариқ» маҳалласида яшовчи Холиқ ота Сиддиқовнинг белида бир эмас, уч-тўртта белбоғ бўларди. Доим миллий кийинардилар. У киши салкам юз ёшда вафот этдилар. «Шунча белбоғни нимага боғлай сиз?» деб сўрашганда «Қадимги урф-одатимиз шундай» дердилар-да, белбоғнинг хосиятию фойдасини гапириб берардилар: «Белбоғнинг хосияти шундаки, бозорўчарга, меҳмондорчиликка борганда, доим керак бўлиб қолади. Бирор жойга борганда, «Сочиқ борми?» деб мезбонни безовта қилмай, индамай артиниш, гоҳ-гоҳида йўл-йўлакай дастурхон ўрнидаям ишлатишни унутмаслик керак.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, белбоғ беминнат дастёр, маданиятимиз кўрки экан.

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг миллий бўлимида ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқлардаги ўзига ярашиқли белбоғ турларининг намуналари бор. Улар турли хил матолардан ҳар хил гуллар тушириб тикилган. Белбоғни аёллар тиккан, унинг чиройли ва ярашиқли чиқишида табиат гулларидан фойдаланишган. Белбоғлар шойи ва оддий матолардан тикилган бўлиб, нафақат катталар, уни болаларгача боғлашган. Белбоғ эркак киши белига тўн, яктаклар устидан боғланиб, кўпинча маъракаларда фойдаланилган.

Қадимдан халқимизда белбоғ кўпроқ қадрланиб, шу кунларгача ўз кўрки, салобатини йўқотмаган.

Белбоғни боғлашни ҳам билиш керак. Тўйҳашам, курашга тушганда, сафарга чиққанда белбоғ белга маҳкам боғланган бўлса, ота-она, жигари, кўнглига яқин кишилари вафот этганда қисиб эмас, пастроқдан бўш боғлашган. Бўш боғланишининг боиси, «белим анча бўшашиб қолди» деган маъно, қайғуни билдиради. Айримлар бунинг фарқига боришмайди. Хуллас, белбоғ хоҳ тўй ва хоҳ маъракаларда бўлсин, эркак кишига доим ярашиб, кўркам кўрсатаверади. Ёш бўлса ёшликка хос, нуроний бўлса нуронийликка хос қиёфа беради. Шунинг учун ҳам белбоғ турларини халқимиз қадим замонлардан буён хуш кўришади.

Ҳа, белбоғ ҳамон-ҳануз ўз қадрини йўқотгани йўқ. Совға-салом, таваллуд топган кунларда ҳам хизмат этаётир.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, санъатшунос



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 : 6